O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
QO'SHTEPA TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
КУШТЕПИНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2020 йил «24» февраль № 116 Шодлик МФИ. Бахмал кўчаси 5-уй

Туман ҳудудидаги барча давлат тасарруфидаги ва шахсий автомототранспортлар, тиркамалар ва ярим тиркамаларни 2020 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 й. 15-сон 197-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 31-январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида"ги 54-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й. 1-2-сон 17-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 22-декабрдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1010-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2017 й. 09/17/1010/0461-сон) ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 22-декабрдаги 1010-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарор билан:

2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситалари тадбиркорлик субъектлари юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Қўштепа туманида транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, Қўштепа туманида юридик ва жисмоний шахсларнинг автомототранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туманда тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчи ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жихозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва

тиркамалари бир йилда икки марта, биринчи марта 1 мартдан 30 июнгача, иккинчи марта 12 сентябрдан 31 октябргача техник кўрикдан ўтказилсин.

5. Автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказилганлик учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда йиғим ундирилсин.

6. Комиссия таркибига киритилган мутахассисларни асосий иш жойидан ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ихтиёрига 2020 йилнинг 1 январдан 1 ноябргача юбориш тегишли ташкилот, корхона ва хўжалик рахбарлари розилиги билан амалга оширилсин.

7. Тумандаги транспорт воситаларини техник кўрикка жалб қилишда йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи таркибига, туман автомотоҳаваскорлар жамияти, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, туман ички ишлар бўлими ходимлари жамоатчилик асосида қўшиш тавсия этилсин.

8. Қарор оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати Ё.Қосимовага, "Истиқбол йўли" газетасида расман эълон қилиш ҳамда туман ҳокимлиги расмий веб сайтига жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **И.Новиков**

Қўштепа туман хокимининг
2020-йил «24» 02
№ 116 сонли
1-илова

Қўштепа туманида транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия

ТАРКИБИ

№	Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими
1.	Ш.Қосимов	Туман ИИБ ЙХХГ катта инспектори, комиссия раиси
2.	И.Саркоров	Туман ИИБ ЙХХГ маъмурий амалиёт инспектори, комиссия котиби
Комиссия аъзолари		
3.	В.Зокиров	Туман автомотохаваскорлар кенгаши раиси
4.	Т.Камолов	Туман мудофа ишларини техникалар буйича катта ёрдамчиси
5.	М.Эргашев	«Ғиштмон Файз Инвест» МЧЖ рахбари
6	Э.Хакимов	«Ғиштмон Файз Инвест» МЧЖнинг техник кўрик ўтказиш бўйича механиги

Қўштепа туман хокимининг
2020-йил « 24 » 02
№ 116 сонли
_____га 2-илова

Мажбурий техник кўрикни ўтказиш 1-босқич
Ж А Д В А Л И.

№	*Корхона, ташкилот ММТП фермер хужаликлари номи*	*Телефон ракими*	*Жами*	*Авто*	*Мото*	*Тиркама*	*Тех курик муддати.*
1.	Шахсий автомототранспортлар		11777	10352	239	186	01.01.2020 31.08.2020
2.	Мохирбек Плюс савдо сервис		1	1			12.03.2020
3.	"Шукур Давлат" ф/х		8	7		1	12.03.2020
4.	Фаргона ППР		5	5			14.03.2020
5.	Қоражийда Роввот ф/х		3	3			16.03.2020
6.	"Дадажонов " ф/х		3	3			17.03.2020
7.	Транспорт коллежи		1	1			17.03.2020
8.	Педагогика коллежи		2	2			18.03.2020
9.	Агросаноат касб хунар коллежи		3	3			19.03.2020
10.	Сардоба Сарбон Сервис МЧЖ		3	2		1	23.03.2020
11.	Туман қишлоқ хужалик кимё		2	2			23.03.2020
12.	Туман солик иснпекцияси		1	1			24.03.2020
13.	Водий авто газ таъмир МЧЖ		3	2		1	24.03.2020
14.	Муллақайрагоч холис савдо		1	1			25.03.2020
15.	Сармазор мўжизавий оромгох х/к		2	2			25.03.2020
16.	Фарход фирмаси		1	1			26.03.2020
17.	Қўштепа Қумтепа Инвест Дизайн х/к		1	1			28.03.2020
18.	Ғиштмон Файз Инвест МЧЖ		1	1			30.04.2020 31.03.2020
19.	ЭРК хусусий корхонаси		15	9		6	01.04.2020
20.	“Ок марол” ф/х		4	4			02.04.2020
21.	Бинокор кичик корхонаси		2	2			03.04.2020
22.	Октепа чорва барака		2	2			06.04.2020
23.	Музаффар зиё маскани х/к		1	1			07.04.2020
24.	Марғилон КМК		5	5			08.04.2020
25.	Марказий шифохона		1	1			09.04.2020
26.	Туман ободонлаштириш бўлими		6	6			09.04.2020
27.	Туман инкосация		1	1			11.04.2020
28.	Туман халк банки		1	1			11.04.2020
29.	Туман халк таълими		2	2			13.04.2020
30.	Туман ветсанария бўлими		3	3			13.04.2020
31.	Фарғона ГГМЭ		18	13	5		14.04.2020
32.	Куштепа МТП АЖ		3	3			15.04.2020
33.	Дехконобод курилиш КТХК		7	5		1	16.04.2020
34.	Бехзод Бахт Транс МЧЖ		21	18		3	18.04.2020

Мажбурий техник кўрик ўтказиш 2-босқич

Ж А Д В А Л И.

№	*Корхона, ташкилот ММТП фермер хужаликлари номи*	*Телефон раками*	*Жами*	*Авто*	*Тех курик муддати.*
1.	Дадажон Ф/х		1	1	10.09.2020
2.	Салох ф/х		1	1	12.09.2020
3.	Мухаммадкарим Равшанбек ф/х		1	1	14.09.2020
4.	Сармазор Бахт Замин ф/х		1	1	15.09.2020
5.	Окмарол ф/х		1	1	16.09.2020
7.	Фаргона ППР		1	1	17.09.2020
8.	Фаргона ГГМЭ		1	1	19.09.2020
9.	Бекзод Бахт транс		1	1	21.09.2020
11	Пўлатхон мўжизаси МЧЖ		1	1	22.09.2020
12	Туман маданият булимии		1	1	23.09.2020
13	Касб Хунар коллежи		1	1	24.09.2020
	Жами:		13	13	